



ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА АПАНГАЛИ САПОМ!

Бугун Самарқандда
"Талабалар баҳори"
II фестивали
очилади



ТУРКИСТОН

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

1995 йил 26 май. Жума. № 33 (14285)

ترکستان * TURKISTAN

Сотувда эркин нархда

ЁШЛАР БИЛАН САРБАЛАНД МЕҲМОННАВОЗ САМАРҚАНД

Бу қадим шаҳарга қанчадан-қанча нуфузли делегациялар келиб-кечиб турибди, жаҳон аҳамиятига молик бўлган тadbирлар, учрашувлар ўтмоқда. Бу ҳолдан самарқандликлар ажабланишмайди. Бу — табиий ҳолдек бўлиб қолган. Меҳмон учун шаҳар дарвозалари ҳар доим очик.

Шаҳардаги ҳар бир ҳисобда гуруҳ-гуруҳ бўлиб юрган ёшларни қурганда уларнинг талаба эканликлари бир қарашдақ билинади. Уларнинг ҳаракатларидан ёшликкагина хос бўлган аллақандай жозиба уфуриб туради.

Бўлиб утадиган шодлик, анъанавий маросимлар, байрамлар ва унутилмас саналарнинг нишонланиши самарқандликлар урганиб қолган. Самарқандда одатдагидан кўпроқ одамлар юришганини ёки туланишгаётганини кўришса, бирор тантанали маросим бўлишини дарров сезишади.

Кеча фестивалда иштирок этадиган самарқандлик делегатлар билан суҳбатлашдим. Улар 28 нафар. Ҳар бири узига хос бўлган қобилиятта, идрокка, характерга эга бўлган талабалар. Улар фестивални қанчалик қуттишди. Фарғонадаги фестивал таассуротларини ҳалиям гапириб юришибди.

— Самарқандда утадиган фестивал Самарқандга хос бўлиб ўтиши, ана шу томон билан иштирокчилар қалбида сақланиб қолиши керак, — дейишмоқда улар.

Биз ҳам шундай деб уйлаймиз.



Эркин ВОҲИДОВ

УЛУҒБЕК НИГОҲ ТИККАН

Мунажжим тасбеҳидан тукилган донлардек Осмон узра сочилиб ярқирайди юлдузлар, Ой шаъму теграсида учган парвоналардек То шаҳар жавлон уриб парпирайди юлдузлар.

Қалдини камон этиб юзла табассум изи, Кеча сукунатига қулоқ тутар янги ой. Нотаҳон эшитилса чақалоқнинг йиғиси Яна бир Улугбек деб уйлаб қолди хойнаҳой.

Самарқанд юлдузлари лаълимикан, дурдона Нақш олмалар сингари териб олгим келади.

Ҳар-бири сўйлар экан қадимдан бир афсона, Саҳаргача қуз юммай қулоқ солгим келади.

Ана Ҳулкар — етти қиз имлар мени йироқдан. Ойдин кучалар буйлаб шуълаларда оқурман. Улугбек қадам қўйган бу муқаддас тупроқдан, Улугбек нигоҳ тиккан юлдузларга боқурман.

Бу кеча қўқ уммони машғалларга тулғудур, Ҳилолға қўнган юлдуз сузар гўё елканда. Қадимий шаҳрим узра кезаман, дилда гурур, Юлдуз тула осмонни кутарганча елкамда.



СЎНГИ ҚўНҒИРОҚ ЧАПИНДИ

Сўнги қўнғироқ. Ажиб бир энтикиш билан қутиб оламиз ҳар сафар уни. Бу сафаргиси айниқса узгача бўлди. Сабаби... Сабаби маълум: бугун Самарқандда «Талабалар баҳори» II фестивали тантаналари бошланади. Ёшлик ана уз сўзини айтади.

Сураткаш:
А. РИСКЬЕВ

ПРЕЗИДЕНТ МИНСККА ЖўНАБ КЕТДИ

25 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов Ҳамдустлик мамлакатлари давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашувида қатнашиш учун Минскка жўнаб кетди.

— Минскда бўладиган учрашувдан қўн нарса қутиляпти, деди мамлакатимиз раҳбари аэропортда журналистлар билан суҳбатда. — Давлат раҳбарларининг бу галги уч-

рашувида 20 га яқин масала муҳокама этилиши қўтилмоқда. Учрашувда Ҳамдустлик давлатлари ўртасида пайдо бўлган солиқ ва бож муаммолари билан боғлиқ масалаларга чуқур эътибор берилди. Тожик-афғон чегарасидаги вазиятнинг муҳокамаси ҳам энг марказий масалалардан бири бўлади. Лекин фикримча, биз, МДҲ давлатлари, аввало иқтисодий жиҳатдан ҳамкорлиқни кенгайтиришимиз керак.

Ҳозир Европада шу йўлдан бориляпти. Иқтисодий ҳамкорлик биринчи уринга чиқиши керак.

Тошкент аэропортида мамлакатимиз Президентини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов ва бошқа расмий кишилар қўзғиб қолдилар.

(УзА).

Туркистон — умумий уйимиз

Дўстлигимиз қўёши МИНГ ЙИЛЛИКЛАР

ҚАЪРИДАН НУР СОЧАДИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚОЗОҒИСТОНДА
ЎЗБЕКИСТОН ҚўНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ
МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли қозоқ туғишларлар!
Азиз дўстлар!
Мўхтарам дўстим Нурсултон Абиевич!

Бугун биз, Ўзбекистон вакиллари, Сиз қозоқ биродарларимизнинг очик ҳечқаларини қўришдан, Сизларга ўзбек халқининг самимий саломларини етказишдан гўят мамнун эканлигимизни изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Биз, Ўзбекистондан келган дўстларингиз ўзимизни қўноқ сифатида эмас, балки ўзимизга энг яқин ва энг қадрли, қўнғимиз ҳам, уйимиз ҳам, нияти мақсадларини ўқиб бир оилада ҳис этмоқдамиз.

Азиз қозоқ қардошлар!
Азиз Нурсултон Абиевич!
Энг аввало бу аjoyиб ва

ушхашли йўқ дўст — биз, барча ўзбеклар учун яқин бўлган Қозғистонга таъриф буюриш имконини яратганингиз, Сизнинг Ўзбекистон шайнига, унинг халқи шайнига айтган самимий дил сўзларингиз учун миннатдорчилик билдиришни истар эдим.

Дўстим Нурсултон Абиевич ва бугун қозоқ халқини яқинда утказилган умумхалқ Референдуми натижалари билан, халқнинг юксак ишончи, Президент ваколатлари муддатининг 2000 йилга қадар узайтирилиши билан муборакбод қилиш менга улкан мамнуният бахш этди.

Биз Референдум натижаларини қўн миллионли халқининг Қозғистоннинг ички ва ташқи сиёсати, ички-

лик билан утказилган янгиликлар ва илҳомлар сиёсати, қўн миллионли халқ ва унинг келажат манфаати йўлида утказилган сиёсатга юксак ишончининг намоён бўлиши, деб биламиз.

Ҳурматли дўстлар!
Бизга олҳонинг узи қўнни бўлиб яшашдек улкан неъматни ҳадя этган. Бизнинг халқимизда «қўн олма, қўнни ол» деган мақол бор.

Биз азалдан буюк Турон-Туркистон деган ерда яшаймиз, бизга битта Қўнш нур сочади, бир бўлоқ ва бир дарёдан сув ичамиз. Оғир пайтда қўнни қўннига ердан берган, ундан ҳол сураган, бир-бириндан нонини, пириин сўзини аямаган.

Бизнинг илҳолларимиз мўштаракдир. Буюк боболаримиз Ал Беруний ва Ал Форобий, Ибн Сино ва Улугбек, Баҳовуддин Нақшбанд ва Навоий, Бобур ва Абай, Абдулла Қодирий ва Мухтор Азевонинг, бугун инсоният фахрланиб тўлга олаётган қўнлаб бошқа ақлоқдорларимизнинг юлдузлари асрлар оша бизга нур сочиб келди ва ҳозир ҳам нур сочмоқда.

Ҳар биримиз Ҳужа Аҳмад Ясавий номини тўлга олар эканмиз, алоҳида гурурини ҳис этамиз. Унинг фаолияти донолик ва адолат мезони бўлиб, Туркистондаги барча халқларни бирлаштириб, жипслаштириб турибди.

Дастлабки учрашувлардан бирини ана шу муқаддас жой — Ҳужа Аҳмад Ясавий мақбараси енида утказишга қарор қилганимиз ва шу ерда дўстлик ва ҳамкорлик туғишдаги шартнома

ни ўн имзонимиз билан тасдиқлаганимиз тасдиқ эмас. Буни Сиз ҳам, Нурсултон Абиевич, ҳақли равишда таъкидлаб ўтдингиз.

Ханузгача елимиз: қадимги Ясса, ҳозирги Туркистон шаҳри ҳамда унинг яқин атрофидаги овуллар ва қишлоқлар аҳолиси, қозоқлар ва ўзбеклар мақбара олдидаги майдонга туланишди.

Халқнинг узи бизнинг шартномамизни, халқларимизнинг қардошлик алоқаларини мустақамлаш туғишда Нурсултон Назарбоев билан қабул қилган қасамедимизни маъқуллади. Ушанда менинг назаримда биз имзолаган шартнома ни фақат халқ эмас, буюк аждоқимиз Ҳужа Аҳмад Ясавий ҳам маъқуллагандек эди.

Азиз дўстлар!
Биз, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, тожиклар ва ўзбеклар, шу гўзал дийримизда яшаётган барча қўн соғли миллиятлар ва элатлар, тақдир тақозоси билан аҳил бўлиб яшамоқда, дўст бўлиб яшамоқда, ҳонадонимизни, фарзандларимизни урушлардан, келишмовчиликлар ва бир-бирига қарама-қарши туришдан асраш учун, миннатдор аждоқлар бизнинг шайинимизга, ҳозирги қўнни шароитда мўштарак истиқболимиз бийосининг пойдеворини барно этаётган кишилар шайини яхши сўзлар айтишни учун ўзимизга боғлиқ ҳамма ишни қилишга маҳкум этилганмиз.

(Давоми 2-бетда).

Оддинлари қўннингидир чет элда таълим олиб қайтганини эшитсак, унга ҳажону ҳавас билан қарардик... Бугун эса шу имконият талабаниб қўлида.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таркибиде ташқи алоқалар Бош бошқармасининг фаолият кўрсатётгани фикримизнинг ёрқин далилидир. Яқинда муҳбирларимиз ана шу бошқарма бошлиғи Пўлатжон Солиҳович БОБОМУҲАМЕДОВ билан олиб борилаётган ишлар ҳусусида суҳбатлашдиклар.

— Пўлатжон ака, республикамизда амалда оштираётган иқтисодий ва иқтисодий ислохотларнинг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ҳусусан унинг хорижий мамлакатлар билан алоқаларига боғлиқ бўлган фаолияти ҳақда қисқача гапириб берсангиз?

— Бевосита жумҳуриятимиз раҳбарияти сарф-харакатлари туғишда амалда оштираётган ижобий ислохотлар, бир томондан, мамлакатимизнинг миллий мустақиллигини эриштириш бўлса, иккинчи томондан, Ватанимиздаги тичлик, оқойишлар ва барқарорликнинг шароитидирлар. Ҳар бир мамлакатнинг бугунги ва эртанги таракқийининг унинг илмий ва юқори малакали мутахассисларини тасаввур этиши қўнни. Шу билан Ўзбекистон

зирги кунда илм ва таълим соҳалари бўйича вазирлигимиз томонидан чет мамлакатларга юборилган 1000дан ортиқ Ўзбекистон фуқаролари АКШ, Англия, Олмония, Курия, Япония, Малайзия, Хитой, Хиндистон, Туркия, Миср ва бошқа кўпжа Осие, Шарк ва Фарб мамлакатларида таълим олишяпти.

Улар иқтисод, тижорат, иш бошқариш, молия, банк ишлари, меҳмонхона хўжалиги, сайёҳлик ва бошқа долзарб мутахассисликларни эгалламоқдалар. Шунинг айтиб ўтиш жоизки, ёшларимиз хорижий мамлакатларда турли замонавий мутахассисликларни эгаллаш билан бир қаторда чет тилини ҳам юқори савияда урганмоқдалар. Фуқароларимизнинг хорижий мамлакатларда қисқа ва узоқ муддатли сафарда бўлишлари шу мамлакатлар халқларини Ўзбекистон тарихи, маданияти, миллий аъёнлари ва мустақиллик йилларида қўла

ти. Улар иқтисод, тижорат, иш бошқариш, молия, банк ишлари, меҳмонхона хўжалиги, сайёҳлик ва бошқа долзарб мутахассисликларни эгалламоқдалар. Шунинг айтиб ўтиш жоизки, ёшларимиз хорижий мамлакатларда турли замонавий мутахассисликларни эгаллаш билан бир қаторда чет тилини ҳам юқори савияда урганмоқдалар. Фуқароларимизнинг хорижий мамлакатларда қисқа ва узоқ муддатли сафарда бўлишлари шу мамлакатлар халқларини Ўзбекистон тарихи, маданияти, миллий аъёнлари ва мустақиллик йилларида қўла

киртаётган ютқулар билан таништириш, халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётганини бизга алоҳида мамнуният бахш этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Исрол Каримовнинг Миср Араб Республикасини расмий таш-

ири соҳалари араб мамлакатлари билан халқлари тарихи, уларнинг миллий аъёна ва қадриятлари, маданияти, санъати ҳамда фан ва таълим соҳасидаги ютқулар билан яқиндан таништириш ишларини олиб бормоқда. Шунингдек, бу марказда араб ва инглиз тилларини ургатуви махсус гуруҳлар ишлаб турибди, бу эса экир эгилган тилларни ургатишда жазм қилган ўзбекистонлик ешларга жуда кўл келмоқда. Марказ фаолияти Миср ва Ўзбекистон халқлари ўртасида қадимий дўстлик ва биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади деган умиддамиз.

Ҳар икки мамлакат ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик ва дўстона муносабатларнинг бундай ижобий ва самарали даражада ривожлантирилишида Миср Араб Республикасининг Миср Араб Республикасининг фауқуллода ва муктор элчиси Мухаммад Абдуллатиф Мухаммад жанобларнинг хизматлари ниҳоятда беқиссидир. Фурсатдан фойдаланиб, мўхтарам элчи жанобларига ўз қўн эҳтиромимизни ва миннатдорчилигимизни изҳор этаюмиз.

— Ҳаммамизга маълумки, жумҳуриятимиз бугунги кунда бир му-

носабатлар билан халқлари тарихи, уларнинг миллий аъёна ва қадриятлари, маданияти, санъати ҳамда фан ва таълим соҳасидаги ютқулар билан яқиндан таништириш ишларини олиб бормоқда. Шунингдек, бу марказда араб ва инглиз тилларини ургатуви махсус гуруҳлар ишлаб турибди, бу эса экир эгилган тилларни ургатишда жазм қилган ўзбекистонлик ешларга жуда кўл келмоқда. Марказ фаолияти Миср ва Ўзбекистон халқлари ўртасида қадимий дўстлик ва биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади деган умиддамиз.

Ҳар икки мамлакат ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик ва дўстона муносабатларнинг бундай ижобий ва самарали даражада ривожлантирилишида Миср Араб Республикасининг Миср Араб Республикасининг фауқуллода ва муктор элчиси Мухаммад Абдуллатиф Мухаммад жанобларнинг хизматлари ниҳоятда беқиссидир. Фурсатдан фойдаланиб, мўхтарам элчи жанобларига ўз қўн эҳтиромимизни ва миннатдорчилигимизни изҳор этаюмиз.

— Ҳаммамизга маълумки, жумҳуриятимиз бугунги кунда бир му-

Олий таълим: изланишлар йўлида

БИЗГА КЕРАГИ — БИЛИМ!

Суҳбатдошлар:
Лайло КАРИМОВА,
Эркин МАВЛОНОВ,
«Туркистон» мухбирлари.

